

УМУМИЙ ГЕРМЕНЕВТИКАНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА Ф. ШЛЕЙЕРМАХЕР ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ

Абдунаби Хотамов –

ф.ф.н. доцент

Жиззах Давлат педагогика институти

Каримов Санжар Синдоркулович

Жиззах давлат педагогика институти

катта ўқитувчиси

Тел: +99890-229-18-15

e-mail: haqiqiysanjar@mail.ru

IN THE FORMATION OF GENERAL HERMENEUTICS F. THE PLACE OF SCHLEIERMACHER'S VIEWS

Abdunabi Hotamov –

Ph.D. associate professor Jizzakh State Pedagogical Institute

Karimov Sanjar Sindorkulovich

Jizzakh State Pedagogical Institute senior teacher Tel: + 99890-229-18-15 e-mail: realsanjar@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада герменевтика, тушуниш, тушунтириш тушунчаларининг мазмун моҳияти, Герменевтика фалсафасининг шаклланишида Немис файласуфи Фридрих Шлеймахер гояларининг аҳамияти фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Аннотация: В данной статье философски анализируется сущность понятий герменевтики, понимания, объяснения, значение идей немецкого философа Фридриха Шлеймахера в становлении философии герменевтики.

Annotation: This article philosophically analyzes the essence of the concepts of hermeneutics, understanding, explanation, the importance of the ideas of the German philosopher Friedrich Schleiermacher in the formation of the philosophy of hermeneutics.

Калит сўзлар: Герминеутика, тушуниш, тушунтириш, герменевтика фалсафаси, маъно, мазмун. Контекст, Қиёсий тушуниш, Матн, тушунишининг объектив ва субъектив томонлари

Ключевые слова: Герменевтика, понимание, объяснение, философия герменевтики, смысл, содержание. Контекст, сравнительное понимание, текст, объективный и субъективный аспекты понимания

Key words: Hermeneutics, understanding, explanation, philosophy of hermeneutics, meaning, content. Context, Comparative Comprehension, Text, Objective and Subjective Aspects of Comprehension

Фридрих Шлейермахер (1768-1834) немис файласуфи, герменевтика таълимотининг энг йирик вакилларида бири. Ф.Шлейермахер умумий-замонавий герменевтиканинг шаклланишида асосий ўрин тутди. У биринчи бўлиб герменевтика тушунчасининг доирасини кенгайтиради. Герменевтикани афсоналар, христиан ақидалари, классик антик адабиётни изоҳловчи билим соҳаси сифатидагина тушунишга барҳам беради. Шлейермахер қарашларига кўра, герменевтика – маданий – тарихий матнларнинг барчасини таҳлил қилувчи универсал методологик қуролдир.

Герменевтика фалсафасининг бош тушунчаси бўлган тушуниш Шлейермахер фалсафасида категория мақомига эга бўлди. Унинг фикрича, матнларни грамматик ва психологик шарҳлаш жараёнида уларнинг маъносига етиш тушунишдир. Маънони тиклаш ва уни муайян тўйинган ғояга келтириш йўли билан тушуниш содир бўлади. Шлейермахер тушуниш категориясини ўзига хос талқин қилади. Унга кўра, тушуниш, нафақат у ёки бу муаллиф томонидан ёзилган матнларнинг маъносини сўзма-сўз англаб етиш, балки шу билан бирга яратувчи санъаткорнинг ўзини ҳам тушунишни қамраб олади. Ҳар қандай матн, ҳар қандай нутқ тушуниш объекти сифатида англаниши ёки унга айлантирилиши мумкин. Тушуниш методи ҳам айримликка ҳам умумийликка қаратилади. Бу жараёнда бутун матн, шунингдек, асарнинг тугал маъноси (контекст) ва муаллиф англаб етилади. Бунда изоҳловчи “биринчи” ўқувчи ҳолатига тушиши, муаллифга ўхшаши, у билан қўшилиб кетиши керак. Шлейермахер мана шу тарзда тушунишнинг мақсади асар, матнни таҳлил қилиш орқали муаллифнинг ўзини билиш ва шу билан бирга муаллиф ўзини тушунгандан кўра ҳам уни яхшироқ англаб етиш деб билади.

Шлейермахер герменевтик ғояларни ривожлантира бориб, тушунишни пайғамбарона ва қиёсий турларга ажратади. Пайғамбарона (ғойибона) тушуниш шарҳловчининг руҳий олами билан боғлиқ бўлган, ичдан ҳис қилиш, сезишдир. Қиёсий тушуниш эса матннинг умумий мазмунини ташкил этувчи мулоҳазаларни бир-бирлари билан солиштириш жараёнидир. Шарҳловчининг тушуниш икки томонга, яъни, матн ҳамда муаллифга йўналтирилган бўлади. Матн ва муаллифнинг ҳар бирини тушуниб етишда ҳам ғойибона, ҳам қиёсий тушуниш мавжуд бўлади. Бошқача қилиб айтганда тушуниш ичдан ҳис қилиш ҳамда мантикий тафаккурлашнинг бир-бирлари билан қўшилиб ишлаши натижаси ҳисобланади. Герменевт ва матн ҳамда Герменевт ва муаллиф ўртасидаги диалог турличадир. Шлейермахер биринчисидан кўра иккинчи ҳолат аҳамиятли, деб таълим беради.¹

Шарҳловчи муаллиф ҳақидаги маълумотлардан тўла фойдаланган ҳолда муаллиф ижодининг онглилик ва онгсизлик томонларини тушуниш имконига эга бўлади. Шлейермахер мана шу тарзда тушунишнинг бир неча усул ва турларини фарқлайди ҳамда уларни бир-бирлари билан узвий алоқадорликда олиб қарайди.

Шлейермахер герменевтик ғояларни ривожлантириб, тушуниш объектив ва субъектив томонларга эга эканлиги ҳақидаги фикрларни илгари суради. Файласуф фикрича, уларнинг ҳар бири тушунишнинг икки турини – ғойибона ва қиёсий тушунишларни ўз ичига олади. Шлейермахер мана шу асосда тушунишнинг тўрт усулини вужудга келтиради: объектив – ғойибона; объектив - қиёсий; субъектив - ғойибона; субъектив - қиёсий. Шлейермахер – герменевтик санъат, тушуниш учун муайян шарт-шароит бўлгандагина ривожланади, деб таъкидлайди. “Санъат (герменевтика) ўз қоидаларини фақат позитив формулаларга асосланган ҳолда ривожлантириши мумкин. Бу ҳам бўлса, мазкур нутқни қиёсий ва ғойибона, объектив ва субъектив қайта ҳосил қилишдир”.²

Объектив тушуниш предмети тил ҳодисаси бўлган нутқдир. Асарнинг ушбу томонини тадқиқ қилиш тилни билиш орқали амалга оширилади. Қайси тадқиқотчи тилни асар муаллифи ва унинг замондошлари гаплашганларидек билса, у муваффақиятга эришади. Объектив қиёсий (тарихий) тушунишда тил тизимида нутқ қандай ўрин эгаллаши аниқланса, объектив ғойибона тушунишда эса нутқ қай тарзда тил ривожланишининг нуқтасига айланиши ойдинлашади.³

Объектив қиёсий (тарихий) ва объектив ғойибона тушуниш биргаликда грамматик шарҳлашни ташкил этади. Тушунишнинг субъектив томони тафаккур ҳодисаси сифатидаги нутққа қаратилади. Бу жараённинг марказида “нутқ ташаббускори”, матн муаллифи туради. Субъектив тадқиқот имконияти асар муаллифининг ташқи ва ички ҳаёти, дунёсини билиш билан шартлангандир. Субъектив қиёсий (тарихий) тушуниш қалб “ҳодисаси” сифатидаги нутқнинг қандай берилганлиги муамосини тадқиқ қилса, субъектив ғойибона тушуниш нутқ мазмунидаги фикр сўзловчида қандай пайдо бўлишини ва ундаги таъсирланиш ҳолатларини ойдинлаштириш билан шуғулланади. Бу тушуниш “бошқача яшаш”, муаллиф образида гавдаланиш, муаллифга айланишдир. Бу фақат “самимий қалблар”га, руҳи, фикри

¹Қаранг: Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание -М.: 1991.С. 34-35

²Шлейермахер Ф. Герменевтика. Издательство: СПб, Европейский дом, 2004. С. 37

³Қаранг: Шлейермахер Ф. Герменевтика. Издательство: СПб, Европейский дом, 2004. С-39

муаллиф билан мос келадиган шахслар учунгина хосдир. Субъектив қиёсий ва субъектив ғойибона тушуниш биргаликда, Шлейермахер юқорида айтиб ўтганидек, психологик шарҳлашни талаб қилади.

Тушунишнинг қайд этилган тўрт усули узвий бирликни ташкил қилади, улар доимо бир-бирлари билан ўзаро таъсирда бўлади. Шарҳловчи матнни ҳам тил ҳодисаси, ҳам инсон ижоди сифатида тадқиқ қилади. Бунда у тилни билишнинг тарихий шартланганлиги, муаллифнинг ҳаёти ва турмуш шароити унинг шахсий тақдирининг ўзига хос жиҳатлари, у яшаган даврнинг тарихий характери ва бошқаларни ҳисобга олади. Муаллиф ўз даврининг муайян ғояларини, урф-одат ва анъаналарини бевосита ҳаёт давомида ва таълим-тарбия жараёнида ўзига сингдириб олади. Баъзи жиҳатларни идрок этиш, уларни ўз шахсий режасига айлантириш онгсиз равишда амалга оширилиши мумкин. Шарҳловчи, муаллиф яшаган даврни, унга хос бўлган тилни талқин этилаётган матннинг стилистик хусусиятларини таҳлил қила туриб, муаллифга қараганда кўпроқ нарсаларни билиши мумкин. Хусусан, у матн муаллифи учун англашилмаган масалаларни ҳам ўзлаштириб олиши мумкин. Шунинг учун ҳам шарҳловчи муаллиф ва унинг ижодини, муаллифнинг ўзидан кўра ҳам кенгрок ва чуқурроқ тушуниши мумкин. Матнларни изоҳлашнинг бундай дастури кейинчалик Романтик герменевтика номини олди. Бу таълимот матнларни идрок қилиш ва шарҳлаш жараёнида герменевтик методни мутлақлаштиришга асосланади.⁴

Шлейермахернинг герменевтик методи гуманитар тафаккурни диалоглаштириш, грамматик ва психологик шарҳлашнинг узвий алоқадорлиги, матнни тушунишда бўлак ва бутуннинг ўзаро туташishi (герменевтик доира), тушунишнинг муаллиф билимидан келиб чиқиши, муаллиф ижодидаги онгсиз ҳолатларни англаб етиш, дастлабки тушунишга асосланувчи гипотезалар тузишларни тақозо қилади.

Герменевтиканинг онтологик аҳамиятга моликлиги масаласи ҳам Шлейермахер ғояларидан бошланади. Чунки, Шлейермахерда тушуниш ва талқин этиш муаммоси нафақат бадиий асарнинг ўзини, балки, шу билан бирга инсонни, муаллиф ва бутун инсоний реалликнинг ҳам англаш усули бўлиб ҳисобланади⁵.

Шундай қилиб, Шлейермахер тадқиқотлари герменевтик метод назарий асосларининг тарихан биринчи системали баёни бўлиб қолди. Ва айни пайтда ушбу тадқиқотлар гуманитар матнларни тадқиқ этишнинг специфик методологиясини куришга уриниш ҳам эди. Шлейермахер томонидан универсал герменевтик муаммолар асосан аниқланади, деярли барча асосий муаммолар кўриб чиқилади. Шлейермахер ушбу муаммоларни ҳал этишнинг оригинал усуллариини таклиф қилади. Унинг томонидан илгари сурилган герменевтик таҳлилнинг асосий принциплари ва методлари қуйидагилардан иборат: гуманитар тафаккурлашни диалоглаштириш принципи; матнларни тушунишда бўлак ва бутуннинг диалектик ўзаро таъсири принципи; грамматик ва психологик шарҳлашнинг бирлиги принципи; тушунишнинг матн муаллифининг ички ва ташқи дунёсини билишга тобелиги принципи; шарҳловчининг муаллиф ҳаётининг онгсизлик қатламларини билимлар режасига ўтказиши принципи; муаллиф ва шарҳловчининг ҳамфикрлиги, қалбдошлиги принципи; илк тушунишга асосланувчи талқиний гипотезаларни тузиш принципи.

Шундай қилиб, Шлейермахер замонавий герменевтиканинг асосларини қўйди, унинг асосий принципларини ва методларини ишлаб чиқди, ўзига хос таҳлил қилди. Шлейермахер ғоялари фалсафий герменевтиканинг назарий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание -М.: 1991.С. 34-35
2. Шлейермахер Ф. Герменевтика. Издательство: СПб, Европейский дом, 2004. С. 37
3. Қаранг: Павлов Е.В. Основы герменевтики.-М.: Московский богословский институт, 2004.С.79.
4. Шпет Г. Герменевтика и её проблемы.-М.:Прогресс,1996.С-56.
5. Sindorkulovich, K. S. (2020). The significance of socio philosophical study of young people's life goals. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 523-527.

⁴ Қаранг: Павлов Е.В. Основы герменевтики.-М.: Московский богословский институт, 2004.С.79.

⁵ Қаранг:Шпет Г. Герменевтика и её проблемы.-М.:Прогресс,1996.С-56.

6. 12. Khotamov, A., & Sindorkulovich, K. S. (2020). The study of the problem of life goal in the history of philosophy. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(4), 34-42.
7. Каримов, С. С. Ёшларнинг ҳаётий мақсадлари масаласини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганишнинг аҳамияти.(The importance of socio-filosofical study of young people's life goals)//Academic research in educational sciences, 2 (3),2021. 413-419.

